



100047, Toshkent sh., Y. G'ulomov ko'chasi, 70
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin
When you answer show this №

№ 01-282/11 « 4 » 04 2022 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университет
илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор Г.Абдурахмоновага**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Сизнинг 2022 йил 23 февралдаги 04-04/1-855-сон хатингизга жавобан 08.00.11–«Маркетинг» 08.00.13–«Менежмент» ва 08.00.15–«Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти» ихтисосликлари бўйича малакавий имтихон комиссияси таркиблари ва дастурлари маъқулланганини маълум қилади.

Илова: 3та дастур, 3 варақ.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси (28.03.2022 й., №4); ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (30.03.2022 й., №3/20), ОАК Раёсатининг қарори (31.03.2022 й., 314/4).

Бош илмий котиб

А.Шермухамедов

Ижрочи: М.Саипова


Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг тақдимномаси
(23.02.2022 й., №04-04/1-855)

Ўзбекистон Республикаси ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича
эксперт кенгашининг тавсиясига (28.03.2022 й., №4) асосан

**08.00.15—«Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти» ихтисослиги
бўйича малакавий имтихон қабул қил иш комиссияси
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, ихтисослик шифри
1.	Фаттахов Адхам Азизович (раис)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
2.	Гафуров Убайдулло Вахабович (раис ўринбосари)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
3.	Ишманова Динора Нурмамад қизи (илмий котиб)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
4.	Абдувахидов Абдумалик Махкамович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.
5.	Сафаров Бахтиёр Джуракулович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди
6.	Актамов Шерзод Равшанбекович	MDIS Сингапур менежмент институти иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
7.	Абдуллаев Ахрор Жаҳбарович	Тошкент архитектура қурилиши институти, декан, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ваколат муддати 2023 йил «31» декабргача белгилансин



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«КЕЛИШИЛДИ»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раиси

А.Т. Юсупов



« » 2022 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор

Г.Ж. Абдурахманова



« » 2022 й.

08.00.15 – “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти”

ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2022

КИРИШ

Мамлакатимизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига асосан мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ва малакали иқтисодчи кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йилда чоп этилган «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли китобида халқимизнинг ишончи ва орзу-ниятлари, эзгу умидларини рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида “камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш”¹ алоҳида белгилаб берилган бўлиб, мазкур йўналишдаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли беқиёсдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритганда, “мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур”².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакатимиз таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу дастурда келтирилган мавзу ва масалалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги назарий ва амалий қарашларнинг ҳозирги ҳолатидан ва чет эл тажрибаси асосидаги замонавий амалиётдан келиб чиқади.

Дастурда қўйилган мавзулар 08.00.15 - “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига даъвогарларнинг фақатгина шу соҳадаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намойиш эта олишини талаб қилади.

Мазкур масалалар бўйича назарий муаммолар фан докторлигига даъвогарларнинг шахсий қарашларини шаклланишини юзага чиқаришга қаратилган. Дастур 08.00.15–“Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб

¹ Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли янги китоби чоп этилди // <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoevning-yangi-ozbekiston-strategiyasi-nomli-yangi-kitobi-chop-etildi>

² Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. - <https://uza.uz/uz/posts/>

олади.

Ушбу дастур 08.00.15 – “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасига талабгор катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институти учун мўлжалланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

1-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 февралда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

2-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 февралда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунда белгилаб берилган тадбиркорлик турлари. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги. Инновацион тадбиркорлик. Илмий техник тадбиркорлик. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик. Тижорат тадбиркорлиги. Молиявий тадбиркорлик. Маслаҳат тадбиркорлиги. Маслаҳат хизматлари.

Тадбиркорлик шакллари. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий тадбиркорлик. Жамоа тадбиркорлиги. Фирмалар. Маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар. Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг компания. Давлат корхоналари. Концерн. Консорциум. Кооператив. Картел. Синдикат. Венчур корхоналар. Ижара корхоналар. Инжиниринг корхоналар.

3-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли Қонуни. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар, уларнинг мазмуни. Кичик бизнес субъектларининг банкротлиги. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш ва ёпиш тартиби. Кичик бизнес ва

тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия берувчи ташкилотлар. Лицензия бериш муддатлари. Лицензияни бекор қилиш тартиби.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқариш усуллари ва қарорлар қабул қилиш жараёни.

4-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти. Маркетинг – бизнес фалсафаси. Маркетингнинг бошқарув функцияси. Бозорни танлаш. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг аҳамияти. Бозор сегментациясининг хусусиятлари. Бозорни сегментлашни ташкил этиш. Бозордаги мақсадли сегментни танлаш. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги. Товарнинг ҳаётийлик даври. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

5-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришда бизнес-режанинг аҳамияти. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни ва тузиш зарурияти. Бизнес-режанинг асосий бўлимлари. Бизнес-режани бажарилишини назорат қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини оператив ва стратегик таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили.

6-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августда тадбиркорлар билан мулоқот учрашувида, “Тадбиркорлик фаолиятини инфратузилма билан таъминлаш йўналишида”ги масалалар. Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари. Брокерлик идоралари, улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консальтинг ва суғурта компаниялари, божхона хизмати, ахборот – маслаҳат марказлари, инжинеринг ва аудиторлик фирмалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августда

тадбиркорлар билан мулоқот учрашувида, “Тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базаси ва кредитларнинг мақбул фоиз ставкаларини шакллантириш йўналишида” қандай масалалар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистоннинг банк-молия тизими. Банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар. Банкларнинг асосий операциялари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.

Ўзбекистонда солиқ тизими. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Солиқ юқини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан олинadиган солиқ турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш қоидалари ва солиқ имтиёзлари.

7-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида

ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6314-сонли Фармони.

Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти таркиби ва элементлари. Кичик бизнес субъектларнинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқариш харажатлари. Ноишлаб чиқариш харажатлари. Ички харажатлар. Ташқи харажатлар. Доимий харажатлар. Ўзгарувчан харажатлар. Бевосита харажатлар. Билвосита харажатлар. Маҳсулот таннархига киритилadиган харажатлар. Давр харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавқулотда зарарлар. Маҳсулотни таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари.

8-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг

молиявий фаолияти таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сонли Фармони. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг асосий молиявий хужжатлари. Баланс. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари. Кичик бизнес ва тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсади ва асосий кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш манбалари. Кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш шакллари. Кредит турлари. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.

Ялпи даромад ва фойда. Фойданинг турлари. Кичик бизнес ва

тадбиркорлик соҳасида фойда турларини таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида рентабеллик даражасини ҳисоблаш усуллари.

9-мавзу. Тадбиркорлик этикаси ва маданияти

Тадбиркор раҳбар этикаси. Тадбиркор раҳбарнинг этика кодекси. Ўзига жалб қилиш имиджи. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбар этикети. Сухбатлашиш, танишиш ҳамда сўрашиш нормаси. Иш контрактларини ташкил қилиш. Иш суҳбатларини олиб бориш. Иш қоғозларини ёзиш. Телефонда гаплашиш маданияти. Иш протоколи ва ҳисоботи. Тадбиркор раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбарнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши. Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.

10-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида экспортнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Экспортёр корхоналарга яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Кичик бизнес корхоналарида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Ҳорижда ўзбек савдо уйлари ташкил этиш. Экспорт кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.

11-мавзу. Корхоналарнинг ташқи муҳитини таҳлил қилиш

Макромуҳит тузилмаси. Бозор ёки сегментда узоқ муддатли фойда олишдаги ички ёқимлиликни аниқловчи М.Портернинг бешта рақобат кучлари: рақобатчилар, товар ўрнини босувчи маҳсулотлар, етказиб берувчилар, сотувчилар, бозорнинг салоҳиятли иштирокчилари. Интенсив рақобатчилик хавфи. Тижорат курашида харажатлар қийматини камайтирувчи тўсиқлар. Янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиш хавфи. Ёқимли сегментнинг кириш ва ундан чиқишдаги тўсиқлари. Ҳар томонлама юқори тўсиқли стратегиялар. Янги технология ва маҳсулотлар мониторинги. Етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлигининг кучайиш хавфи. Ўзига жалб қилмайдиган сегмент. Етказиб берувчилар кучи, даражани ва концентрацияни ортиши (ўсиши), ўрнини босувчи маҳсулотлар сафинининг камайиши. Ҳимояланиш стратегияси. Стратегияни амалга ошириш учун зарурий бозор шароитлари ва хатарлари.

12-мавзу. Кичик корхоналарнинг ички муҳитини таҳлил қилиш

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва унда қўлланиладиган усуллар. Корхона фаолиятининг SWOT – таҳлил усули. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлар ва уларнинг таркиби. Кам харажатлар орқали рақобат устунликларига эришиш. Маҳсулот таннархидаги таркибларнинг

фарқланиши: кенг кўламли ишлаб чиқариш йўли орқали тежамкорликка эришиш, ўқитиш орқали тежамкорликка эришиш ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотлар конструкцияси, тармоққа киришдаги харажатлар, ташкилий омиллар. Харажатларни камайтириш орқали рақобат устунликга эришиш. Маҳсулотнинг дифференциацияси: товар дифференциацияси, ходимлар дифференциацияси, имидж ва хизмат кўрсатиш дифференциацияси. Маҳсулот дифференциациясининг имкониятлари. Фокуслашиш стратегиялари. Фарқаланувчи қобилиятлар тушунчаси. Қиймат занжири: бирламчи ва иккиламчи фаолиятлар таҳлили.

13-мавзу. Бизнес-ғоя таҳлилни методик асослари

Стратегик бизнес режалаштиришнинг моҳияти. Миссия ўрнига бизнес-ғоя. Бозор эҳтиёжи. Ички қобилият. Тараққиёт имкониятлари. Бизнес шарти. қобилиятларга мисоллар. Институционал билим. Ички жараёнлар. Ишонч ва обрў-эътибор. Ҳимояланиш қонун қоидалари. Стратегик режалаштириш янгилашиш ва трансформациялаш жараёни сифатида. Бизнес-ғоя, бизнеснинг фарқланадиган жиҳатлари, стратегик таҳлил, режалаштириш, бизнес ғоянинг таркибий қисмлари (бозорнинг эҳтиёжлари, корхонанинг ички жиҳатлари, корхона жиҳатларининг ривожланиш имкониятлари, бизнес шароитлари).

Эҳтиёж ва талабнинг тузилиши. Хусусий сармоя тузилмаси. Ядерли фойдалилик. Консультацион маҳсулот. Бизнес соҳа чегараларини аниқлаш. Хусусий имкониятлар ва қобилиятларни ташкиллаштиришнинг таҳлили. Ташкилот шахсий сармоясини таҳлил қилиш. Ишбилармонлик хавфини ҳисобга олган ҳолда бизнес соҳа кўламини аниқлаштириш. Бизнес-ғояни шакллантириш.

14-мавзу. Диверсификация ва интеграция

Диверсификация турлари. Олдинга ва орқага интеграция. Бирлашувларнинг асосий шакллари. Ютилиш ва кўшилишлар. Интернационализация. Кириш ва чиқишдаги тўсиқлар. Бизнеснинг стратегик соҳаси. Конгломерация ва синергизм мезонлари. Ишлаб чиқариш занжиридаги бўшлиқлар. Хавфнинг пасайиши, диверсификациялашган корхоналар, Диверсификациянинг афзалликлари ва қачиликлари. Стратегик альянслар. Қўшма корхоналар. Чет бозорларга чиқиш усуллари: экспорт, франчайзинг, қўшма корхона, тўлалигича хорижий капитал эвазига тузилган корхона. Узоқ ва қисқа муддатли стратегик шартномалар. Глобал стратегия турлари: глобал, халқаро, мультимиллий ва трансмиллий стратегиялар.

15-мавзу. Бозор улуши ва ўсиш суръатини таққослаш: Бостон консалтинг гуруҳи (BCG) модели

Бостон консалтинг гуруҳи (BCG) моделининг келиб чиқиш тарихи. BCG моделининг тузилиши. Тажриба самараси ва маҳсулотнинг ҳаёт цикли моделига асосланган BCG моделининг икки гипотезаси. BCG матрица сегментацияси. Юлдузлар, соғилувчи сигирлар, муаммо туғдирувчи болалар, итлар. Фирманинг бизнес соҳа характеристикаси. Ҳар хил молиявий

эҳтиёжлар ва стратегик мақсадларга асосланган бозорнинг тўрт гуруҳи. Ренди фирмасининг чой бозоридаги фаолияти. Ренди фирмаси бизнес соҳасининг BCG модели. BCG моделининг кучли ва заиф томонлари. Бозорнинг нисбий улуши. BCG моделининг асосий камчиликлари. BCG моделида фойдаланилган ўзгарувчилар. Бостон матрицасидаги фойда, нақд пул оқими ва муайян стратегиялар бўйича таклифлар. BCG моделининг модификациялашган матрицаси. BCG моделининг модификациялашган матрицасида қўлланиладиган критериялар: рақобатли устунликларнинг ҳажми, рақобатли устунликларни рўёбга чиқариш усулларининг миқдори.

16-мавзу. Бозорнинг рақобатбардошлигини ва ёқимлилигини таққослаш: Мак Кинсей (GE/Mc Kinsey) модели

Мак Кинсей (GE/Mc Kinsey) моделининг келиб чиқиш тарихи. GE/Mc Kinsey моделининг тузилиши. GE/Mc Kinsey модели матрицасининг тузилиши. Стратегик ҳолатлар соҳаси. Ғолиблар соҳаси, ютқазганлар соҳаси ва ўртадаги соҳалар. Бизнесни ўртача ҳолати ва бизнесни ишончсиз турлари. GE/Mc Kinsey моделини кучли ва заиф томонлари. GE/Mc Kinsey моделида қўлланиладиган бозор ёқимлилиги ва компанияни кучли томонини характерловчи ўзгарувчилар. Бозорнинг ёқимлилиги ва бизнеснинг стратегик ҳолатидаги омиллар. Бозорнинг (тармоқнинг, рақобатчилик омиллари, молиявий-иқтисодий, ижтимоий-психологик омиллар) характеристикаси. GE/Mc Kinsey модели вариацияси. Дэй томонидан таклиф қилинган GE/Mc Kinsey моделини вариацияси. Ўзига жалб этувчи бизнеслар. Рақобат ҳолатининг кучли томонлари. Мониесон томонидан таклиф қилинган GE/Mc Kinsey моделининг вариацияси. Бозорни ва тармоқни жалб этилганлиги.

17-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида бизнес-режа типологияси. Бизнес-режага қўйиладиган асосий талаблар

Тадбиркорлик фаолиятида бизнес-режа мақсади. Бизнес-режа асосий типологияси ва турлари. Хўжалик юритиш учун ва кредит олиш учун бизнес-режа. Уларнинг хусусиятлари ва асосий белгилари. Тижорат ёки инвестиция лойиҳаси учун тўлиқ бизнес-режа, унинг қисқача характеристикаси. Тадбиркорнинг бизнес-режаси, унинг мазмуни ва тизими. Фирма ташкилий тизими бўлими учун бизнес-режа. Кредит ва грант олиш учун бизнес-режа. Унинг хусусияти ва белгилари. Мамлакатни модернизациялаш шароитида мамлакат ҳудудини ривожлантириш учун бизнес-режа. Бизнес-режа ишлаб чиқиш учун қўйиладиган умумий талаблар ва мазмуни.

18-мавзу. Бизнес-лойиҳа ва бизнес-режа ишлаб чиқишдаги асосий босқичлар. Асосий бўлимларнинг мазмуни ва тузилиши

Бизнес-режа: тавсифи, тузиш усули. Аниқ қўйилган мақсад ва унга эришишдаги корхона стратегияси. Хўжалик юритиш фаолияти учун бизнес-режанинг “классик” тизими. Ҳисобот йилидаги корхона ҳолатининг таҳлили. Бизнесни ифодалаш. Бозор. Маркетинг. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бошқарув ва кадрлар. Молия. Фойда ва зарар. Режалаштирилаётган

ўзгаришлар. Хўжалик юритиш фаолияти бизнес-режасини асосий бўлимлари мазмуни: Бизнес-режа бўлимларининг зарурати. Титул варағи. Кириш қисми. Соҳа ҳолати таҳлили. Лойиҳа моҳияти. Маркетинг режаси. Ишлаб чиқариш режаси. Ташкилий ишлар режаси. Хавф – хатарни баҳолаш. Молиявий режа.

Ишлаб чиқиш устидан назорат ва корхонада бизнес – режани татбиқ этиш. Назоратнинг анъанавий йўналишлари: заҳиралар назорати, ишлаб чиқариш жараёни назорати, сифат назорати, бозор улуши ва сотув ҳажми назорати. Инвестицион лойиҳа. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Низомни асосий қоидалари. Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар банкни яратиш ва мониторингини амалга ошириш.

19-мавзу. Лойиҳа ва бизнес-режа ишлаб чиқувчи корхона баёни

Корхонани умумий баёни. Фаолиятининг асосий йўналишлари. Цехларни, асбоб-ускуналарни, дастгоҳларни жойлаштириш. Корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш ёки камайтириш. Аввалги ва ҳозирги фаолиятининг асосий натижалари. Корхонанинг кучли ва кучсиз томонларига ҳолис баҳо бериш. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги. Хом ашё, материал ва комплект қисмларини етказиб берувчилар. Хом ашё ва етказиб берувчилар классификацияси. Паспортини ички тузилиши ва кўрсаткичлари номи. Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш таркиби (ДТИХ). Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш таркиби (ТИА). Лойиҳанинг ТИА асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Мамлакатни модернизациялаш шароитида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш. Лойиҳани амалга ошириш босқичлари.

20-мавзу. Маркетинг режаси - бизнес-режанинг бўлими сифатида

Мамлакатни модернизациялаш шароитида корхонанинг маркетинг режасини ишлаб чиқишнинг моҳияти ва мазмуни. Ташқи ва ички таҳлил. Маркетинг операциялари: Товар тақсимоти, нарх белгилаш, бозорга силжиниш, бюджетлаштириш ва дастурлаштириш баён қилинади. Қўйидагиларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш: маркетинг генерал стратегияси ва корхонанинг мақсадини; нарх сиёсатини танлаш, ўтказиш ва товар етказиб бериш шартини; сотув тактикасини ўтказиш; хизмат кўрсатиш ва кафолатлашни; корхонани ривожлантириш режаларини. Бўлимнинг асосий қисми – бюджетлаштириш ва дастурлаш. Асосий истеъмолчилар ҳақида маълумот берилиши. Товар тақсимлаш каналлари, дистрибьютерлар, савдо агентлари, коммивояжерлар ва ҳар хил савдо тузилмалари вакиллари. Мамлакатни модернизациялаш шароитида қайси бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш мумкинлиги, харидорлар талаби ва ишлаб чиқариши мумкин бўлган товар сотуви ҳажми аниқлаш.

21-мавзу. Кичик корхоналар фаолиятини юритишнинг молиявий манбалари ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Кичик корхоналар фаолияти (бизнеси)ни ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган молиявий маблағлар манбалари. Кичик корхоналар фаолияти (бизнеси)ни тўғридан-тўғри инвестициялар ва грантлар асосида молиялаштириш тартиби. Кичик корхоналар фаолиятини (бизнесини) кредит маблағлари асосида молиялаштириш тартиби. Кичик корхона ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмлари ва мезонлари. Ишлаб чиқариш харажатларининг умумий (абсолют) ва қиёсий, иқтисодий самарадорлиги. Самарадорлик тушунчаси моҳияти. Ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик тушунчалари. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг таркибий қисмлари. Самародликни ўлчаш кўрсаткичлари тизими. Ишлаб чиқариш харажатларининг умумий, абсолют ва қиёсий-иқтисодий самарадорлиги. Харажатларни қоплаш муддати харажатлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

22-мавзу. Кичик корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати

Асосий фондлар ва уларнинг кичик корхона фаолиятидаги ўрни. Кичик корхонанинг айланма ва узоқ муддатли активлари. Узоқ муддатли активларнинг тузилиши. Асосий фондларнинг турлари, таркиби ва кўрсаткичлари. Ишлаб чиқариш асосий фондлари. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Асосий ишлаб чиқариш фондлари гуруҳлари. Асосий фондларнинг актив ва пассив қисмлари. Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш. Асосий фондларни баҳолашнинг бошланғич, қайта тикланиш ва қолдиқ қиймати. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши. Амортизация ажратмаси. Асосий фондларни модернизациялаш. Кичик корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш усуллари. Асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш кўрсаткичлари. Фондлар қийматини оширувчи омиллар. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни оширувчи асосий йўналишлар. Кичик корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадалаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

23-мавзу. Кичик корхонанинг айланма фондлари ва айланма маблағлари

Айланма фондлар ва айланма маблағлар тўғрисида тушунча. Айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондлари. Айланма фондларнинг таркиби, шаклланиш манбалари ва фойдаданиш кўрсаткичлари. Ишлаб чиқариш захиралари. Келгуси давр харажатлари.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар. Айланма фондларни тежашни иқтисодий аҳамияти. Кичик корхона айланма фондлар элементларини тежаш. Моддий ресурсларни тажашнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари. Айланма маблағлар ва

уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Айланма маблағлар таркиби ва структураси. Айланма маблағларни шаклланиш манбалари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. Айланма маблағлар нормаси.

24-мавзу. Кичик корxonанинг ишлаб чиқариш фаолияти, харажатлари, фойдаси ва рентабеллиги

Харажатлар тўғрисида тушунча ва уларнинг таснифи. Моддий ва меҳнат харажатлари. Тижорат харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатлари. Ижтимоий суғурта ажратмалари. Кичик корxonаларнинг ишлаб чиқариш тўғрисидаги бошқа харажатлари. Давр харажатлари. Бошқарув харажатлари. Умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа операция харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавқулодда зарарлар. Фойда ва уни шакллантириш манбалари, фойдани тақсимлаш тартиби, кўпайтириш йўллари. Корхона фойдасининг шаклланиш манбалари. Корхона соф фойдасининг тақсимоти. Корхона фойдасини кўпайтириш йўллари. Рентабелликнинг иқтисодий мазмуни ва кўрсаткичлари.

Рентабелликнинг кўрсаткичлари. Ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби. Корхонада соф фойданинг шаклланиш жараёни. Ҳозирги мамлакатни модернизациялаш шароитида, Ўзбекистон шароитида фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар.

25-мавзу. Кичик корxonанинг инвестиция фаолияти

Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи ва аҳамияти. Молиявий ва номолиявий инвестициялар. Инвестиция – молия бозорининг элементидир инвестицияларнинг турлари. Инвестиция манбалари ва уларнинг кичик корхонага қўйиш соҳалари. Инвестиция манбаларини шакллантириш. Молия бозорларини таснифи.

Пул бозори. Қимматли қоғозлар бозори. Сармоялар бозори. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Кичик корxonанинг инвестиция стратегияси. Инвестицион лойиҳа. Инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини ҳисоблаш. Инвестиция рентабеллиги. Инвестиция оқимини дисконтлаштириш.

26-мавзу. Бизнесни баҳолашнинг қиёсий ёндашув усули

Қиёсий ёндашувнинг мазмуни. Ўхшаш корxonалар танловининг критерийлари. Мухим нарх мультипликаторлари ва уларнинг хусусиятлари. Қиёсий ёндошувининг умумий тавсифномаси. Аналог-корxonалар танловининг муҳим тамойиллари. Соҳа ўхшашликлари. Ўсиш истиқболлари. Молиявий риск. Менежмент сифат даражаси. Нарх мультипликаторларининг тавсифномаси. Қийматнинг умумий қийматини шакллантириш. Қиёсий ёндошувда математик усулларни қўллаш. Аналог компаниялар услуги. Битим ёки сотув услуги. Соҳа коэффициентлар услуги. Аналог корхона услуги орқали баҳолашнинг босқичлари. Бозор ва молиявий информациядан фойдаланиш. Баҳо-фойда мультипликатори. Баҳо-дивидендлар мульти-

пликатори.

27-мавзу. Бизнесни баҳолашнинг харажатли ёндашув усули

Соф активлар услуги. Ишлаб чиқариш материаллар захирасини баҳолаш усуллари. Ишлаб чиқарувчи кўчмас мулк баҳоси. Асбоб ва ускуналар баҳоси. Номоддий активлар баҳоси. Молиявий қўйилмалар баҳоси. Ликвидацион (тугатиш) қиймат усули. Корхона кўчмас мулкининг асосланган бозор қийматини аниқлаш. Даромадларни капиталлаштириш усули. Кумулятив куриш услуги. Машина ва асбоб-ускуналарнинг бозор қийматини баҳолаш. Номоддий активлар қийматини баҳолаш. Товар белгиси қийматини баҳолаш. Молиявий қўйилмаларнинг бозор қийматини баҳолаш. Капитализация фоиз ставкасини капитал харажатларни ҳисобга олиб аниқлаш услуги. Бевосита капитализация услуги. Ялпи даромад мультипликатори.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2021. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил 5 февраль, ЎРҚ-328-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил 26 апрель, ЎРҚ-328-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2021 йил 15 сентябрь, ПФ-6314-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2021 йил 7 сентябрь, ПФ-6307-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2021 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2021 йил 21 апрель, ПҚ-5087-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. - <https://uza.uz>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. - <https://uza.uz>
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. - <https://uza.uz>
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. - <https://uza.uz>
13. Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. - <https://uza.uz>
14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.:Ўзбекистон, 2017.-104 б.
15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Қўшимча адабиётлар.

18. Investment Appraisal: Methods and Models - Uwe Götze, Deryl Northcott, Peter Schuster – 2015.
19. Dr. Jay A.Dewhurst. An Introduction to Business and Business Planning 1st edition 2014
20. Robert Blackburn. Small Business and Entrepreneurship. Sage Publications Associate Dean Research, London 2008.
21. Qosimova D.S. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. (Darslik). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021, 328 bet.
22. Tursunov R.T., Pulatov N.T., Djalalova I.A, Biznes strategiyasi. O’quv qollanma. Т.: Iqtisodiyot, 2016. – 312 b.
23. Muratov R.S, Djalalova I.A. Oripov S.SH. Korxonalar iqtisodiyoti. Darslik. - Т.: TDIU, 2013. - 500 b.
24. Асаул А. Н., Старинский В. Н., Старовойтов М. К., Фалтинский Р. А. Оценка организации стоимости (предприятия, бизнеса). Учебник Санкт-Петербург, Наука, 2014. – 481 с.

25. Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов С. Инвестиция лойиҳалари тахлили. Дарслик. Т.:ТМИ, 2006. -234 с.
26. Кантор Е.Л. и др. Экономика предприятия. – СПб: Питер, 2009. – 224 с.
27. Мацусита К. Миссия бизнеса.- 3-е изд.-М.: Альпина, 2011. -98 с.
28. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. Пособие для вузов / Под ред. Проф. В.Я. Горофинкля, проф. В.Я. Горфинкеля, В.А. Швандара. – 2е изд., пререб. И доп.-М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2008.
29. Попова В.М. Бизнес планирование. Учебник. М.: Финансы и статистика. 2009. – 256 с.
30. Предпринимательство: учебник / под. ред. М.Г.Лапусты. – 4-е издательство, доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. - 667 с.

Ш. Интернет сайтлари

31. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
32. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
33. www.economics.ru
34. www.chamber.uz
35. www.ziyonet.uz
36. <http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com> / [best-graduate-schools / top-humanities-schools/economics-rankings](http://best-graduate-schools/top-humanities-schools/economics-rankings)
37. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике
38. www.stplan.ru - экономика и управление
39. www.catback.ru - научные статьи и учебные материалы по экономике